

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТУРАМУРАТОВ УЛУҒБЕК УРАҚОВИЧ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН ПСИХОЛОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ
ДУАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Турамуратов Улугбек Уракович

Таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологиялари5

Турамуратов Улугбек Уракович

Технологии дуального образования подготовки психологических кадров для системы образования 25

Turamuratov Ulugbek Urakovich

Dual educational technologies of training psychologists for the educational system 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТУРАМУРАТОВ УЛУҒБЕК УРАҚОВИЧ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН ПСИХОЛОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ
ДУАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2197 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ferst.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Шавкат Сафарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "23" ноябр кuni соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55; факс:(376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55; факс:(376) 221-71-17.

Диссертация автореферати 2022 йил "11" ноябр кuni тарқатилди.
(2022 йил "11" ноябр даги 11 рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Чариев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Қ.Бозорова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Х.Ж.Худойкулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда замонавий таълим сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва мутахассислар тайёрлашда компетенциявий ёндашувни амалга ошириш алоҳида зарурат касб этади. Айнан таълим олувчиларнинг компетентлик даражаси таълим дастурларини ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичи ҳамда доимий ривожланиб бораётган ахборотлашган жамиятда битирувчиларнинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувга тайёрлиги сифатида намоён бўлади. Айниқса, мазкур жараёнда назарий ва амалий тайёргарликни кучайтириш, бўлажак мутахассисларнинг амалий компетенцияларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш муҳим долзарбликка эгадир. ЮНЕСКО Таълимнинг халқаро стандарт таснифига мувофиқ, дуал таълим мамлакатларнинг касбий таълим тизимини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ишлаб чиқаришдаги амалий фаолият билан уйғун тарзда ўқув дастурларини амалга оширишни тақозо этади.

Дунёда бўлажак психологларни тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик технологияларини ишлаб чиқиш, психолог-кадрларни тайёрлаш тизимини касбий йўналтирилган ўқитиш моделлари билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, психология йўналишида таълим олаётган талабаларни, ўқувчиларни касб-хунарга мақсадли йўналтириш лаёқатини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бўлажак психологларни тайёрлашнинг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш, амалий-вазиятли топшириқларга ечим топиш жараёнида уларда аналитик-рефлексив қобилиятни ривожлантириш, умумкасбий ва ихтисосликка доир ўқув модулларини ўзлаштиришда фанлараро интегратив лойиҳалаш жараёнларини амалга ошириш алоҳида долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, бўлажак мутахассисларни тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида рақобатбардош ва креатив фикрлайдиган новатор кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунида илк бор ўқитиш шакли сифатида дуал таълимнинг ҳуқуқий мақомининг белгилаб берилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Шунингдек, “Ёшларга сифатли психологик хизмат кўрсатиш, психологик хизмат фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, таълим муассасалари билан профилактика инспекторлари ва жамоат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, психология мактабини ривожлантириш ҳамда олий таълимда тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, психологик марказлар ташкил

этишни йўлга қўйиш”¹ устувор аҳамият касб этмокда. Бу эса, таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш, дуал ўқитиш технологияларини қўллаш асосида бўлажак психологларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармонлари, 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон, 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, замонавий ёндашувлар асосида шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш масалалари Р.Джураев, О.Мусурмонова, Н.Муслимов, Н.Эгамбердиева, Ш.Шарипов, О.Қўйсинаев, Ҳ.Қодиров кабилар томонидан тадқиқ этилган. Касбий таълим жараёнларига интегратив ёндашувни тадқиқ этиш, педагогик интеграциянинг мазмуни ва ўзига хосликлари юзасидан Э.Турдиқулов, Р.Джураев, О.Абдуқуддусов, М.Тошовлар илмий изланишлар олиб боришган. Педагог-психологлар тайёрлашга доир хорижий ва миллий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили М.Муталипова, Б.Ходжаев, Ш.Шодмонова, П.Эргашев, Н.Усмоновлар томонидан яратилган дарслик, ўқув қўлланма ва мақолаларда ўз аксини топган. Касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш масаласи илк бор республикада Р.Чориев томонидан ўрганилган. Шунингдек, Дж.Пўлатов бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги ВМ-772-сон “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 09/19/472/3253-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.08.2021 й., 09/21/511/0793-сон.

компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан М.Кларин, Э.Фишер, Г.Федотова, Л.Корнева, Л.Мельникова, А.Родиков, С.Романов, Л.Самолдина кабилар томонидан дуал таълим шароитида касбий тайёрлаш масалалари юзасидан илмий-тадқиқотлар амалга оширилган.

Хорижий мамлакатларда W.Hesser, W.Reynolds, L.Figueroa, J.Mora, J.Wink, D.Wink, T.Castillo, T.Adler, G.Dybowski, H.Schmidt, Deutscher Bundestag, K.Berger, G.Bosch, P.Dehnbostel каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида таълимнинг интеграцион жараёнлари, олий таълимда дуал ўқитиш тизимини жорий этишнинг истикболли йўналишлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бирок, республикамизда таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш, мазкур жараёнда дуал таълим технологияларини жорий этишнинг амалий-технологик жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашда дуал таълим технологияларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш юзасидан илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз давлат университетининг Педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-002 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ҳолатини таҳлил этиш;

дуал таълимнинг психолог кадрлар тайёрлашдаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълимга асосланган технологик моделини ишлаб чиқиш;

дуал таълим технологиялари асосида психолог кадрлар тайёрлашнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Термиз давлат университетининг Педагогика институти, Андижон давлат университетининг педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институтларининг 545 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологиялари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога доир адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; социометрик методлар (сухбат, анкета, сўровнома, интервью, тест); педагогик-психологик методлар, моделлаштириш, педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш каби илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дуал таълим шароитида бўлажак психологларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнлари тузилмаси ташкилий-шахсий компонентларни концептуал, технологик, адаптив, шахслараро компетенциялар билан бевосита ва билвосита интеграциялашув даражаси қайта алоқасини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларини амалга ошириш босқичлари талабаларни лойиҳавий фаолиятга мақсадга йўналтирилган тарзда жалб этиш, ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш вазиятларини ташхис этиш, рефлексив кўникма ва малакаларни шакллантиришга доир фаолият шакллари педагогик амалиёт билан уйғунлигини сензитив таъсир даражаси продуктивлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

дуал таълим шароитида психолог кадрларни тайёрлашнинг технологик модели таълим жараёни субъектларининг (талабалар, профессор-ўқитувчилар, мактаб психологлари, иш берувчилар) ҳамкорликдаги фаолияти кооперативлик жиҳатининг тайёрлов, ташкилий-ижрочилик, рефлексив-умумлаштирувчи босқичларга устуворлик бериш асосида амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

психолог кадрлар тайёрлашнинг “4+2” тартибида машғулотларни ташкил этиш жараёнларини вертикал ва горизонтал йўналишлар бўйича каркас усулида интенсив кенгайтириш, талабаларда ўқув ва тадқиқотчилик фаолиятига мотивацион йўналганликнинг интерналлигини кучайтириш, касбий компетенцияларни шакллантиришда мобил методик гуруҳлар фаолиятини педагогик қўллаб-қувватлаш механизми таъсирчанлигини жадаллаштириш каби дидактик шарт-шароитлари “кўш мутахассислик” амалиёти самарадорлигини эмпирик баҳолаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак психологларнинг касбий компетентлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

амалиётчи-психологлар учун “Дуал таълим кундалиги” ишлаб чиқилган;

дуал таълим шароитида психолог кадрлар тайёрлашнинг илмий-методик таъминоти яратилган;

таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларини такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммони ўрганишда фалсафий, методологик, методик, педагогик ва психологик ёндашувларга ҳамда дуал таълим бўйича олиб борилган республикамиз ва чет эллик олимларнинг тадқиқот иши натижаларига асосланганлиги; тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдори, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “дуал таълим”, “компетенция”, “касбий компетенция”, “амалий компетентлик”, “4+2” тартиби, “қўш мутахассислик” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятининг ёритиб берилганлиги, дуал таълим шароитида бўлажак психологларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнлари тузилмасининг аниқлаштирилганлиги, таълим тизими психологлари учун зарур концептуал, технологик, адаптив, шахслараро компетенциялар тизимининг белгилаб берилганлиги, таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларини амалга ошириш босқичларининг аниқланганлиги, “қўш мутахассислик” моделига мувофиқ, педагогика ва психология бакалавриат йўналишлари таълим мазмунининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумкасбий, ихтисослик ва қўшимча фанлар билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш механизмининг такомиллаштирилганлиги, дуал таълим шароитида психолог кадрларни тайёрлашнинг технологик модели ишлаб чиқилганлиги, дуал таълим технологиялари асосида психолог кадрлар тайёрлашнинг “4+2” тартибида машғулотларни ташкил этиш жараёнларини вертикал ва горизонтал йўналишлар бўйича кенгайтириш, талабаларда ўқув ва тадқиқотчилик фаолиятига мотивацияни кучайтириш, касбий компетенцияларни шакллантиришда мобил методик гуруҳлар фаолиятини жадаллаштириш каби дидактик шарт-шароитларнинг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларига доир тадқиқот натижалари асосида:

дуал таълим шароитида бўлажак психологларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнлари тузилмаси ташкилий-шахсий компонентларни концептуал, технологик, адаптив, шахслараро компетенциялар билан бевосита ва билвосита интеграциялашув даражаси қайта алоқасини таъминлаш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан педагогика олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши малака талабларини ва қўшимча мутахассислик бериш бўйича таълим дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика

таълим марказининг 2022 йил 22 июндаги 01/11-02/02-938-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак психологларни дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларини амалга ошириш босқичларида талабаларни лойиҳавий фаолиятга мақсадли йўналтирилган тарзда жалб этиш, ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш вазиятларини ташхис этиш, рефлексив кўникма ва малакаларни шакллантиришга доир фаолият шакллари педагогик амалиёт билан уйғунлигини сезитив таъсир даражаси продуктивлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштириш, дуал таълим шароитида психолог кадрларни тайёрлашнинг технологик моделини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 22 июндаги 01/11-02/02-938-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак психологларни коуч-тренерлик фаолиятига тайёрлаш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

психолог кадрлар тайёрлашнинг “4+2” тартибида машғулотларни ташкил этиш жараёнларини вертикал ва горизонтал йўналишлар бўйича каркас усулида интенсив кенгайтириш, талабаларда ўқув ва тадқиқотчилик фаолиятига мотивацион йўналганликнинг интерналлигини кучайтириш, касбий компетенцияларни шакллантиришда мобил методик гуруҳлар фаолиятини педагогик қўллаб-қувватлаш механизми таъсирчанлигини жадаллаштириш каби дидактик шарт-шароитларини “кўш мутахассислик” амалиёти самарадорлигини эмпирик баҳолаш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан педагогика йўналишларида “4+2” тартибида машғулотларни ташкил этиш тартиби бўйича Йўриқноманинг “Таълим ва амалиёт интеграцияси” қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 22 июндаги 01/11-02/02-938-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак психологларни тайёрлашда дуал таълим технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 122 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.


Диссертациянинг **“Таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашда дуал таълим тизимини жорий қилишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида дуал таълим шароитида таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг долзарб педагогик муаммо эканлиги, бўлажак психологларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнлари тузилмаси ва компонентлари, таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ҳолати ёритиб берилган.

Замонавий шароитда бўлажак педагогларни тайёрлашнинг инновацион тизимини жорий этиш, креатив компетентликка эга мутахассисларни тайёрлашнинг янги моделларини ишлаб чиқишга қатъан аҳамият қаратилмоқда. Халқ таълими тизимида ўқитиш сифатини ошириш педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг амалий компетентлигини ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Ана шу нуқтаи назардан таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бизгача амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўлажак психологларни тайёрлашнинг самарали модели сифатида дуал таълимнинг имкониятларини кенгайтириш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонунида илк бор “дуал таълим” тушунчаси ўқитиш шакли сифатида эътироф этилган бўлиб, қуйидагича таъриф берилган: “Дуал таълим таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади”.

Юқорида берилган таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, касбий таълимнинг замонавий босқичи учун ўқитишнинг ички тизимлари, шу билан бирга таълим ташкилотларининг ўзаро биргаликдаги фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ интеграцион жараёнларга хос бўлиб, умумилмий ва педагогик жиҳатларга эга методологик категория сифатида дуаллик нуқтаи назардан мутахассислар тайёрлаш масаласига ёндашувни талаб этади. Дуаллик касбий таълимнинг методологик категорияси сифатида ҳам бўлажак психологларни тайёрлашда педагогика олий таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларининг ижтимоий шерикчиликка асосланган ҳамкорликдаги фаолиятини тақозо этади.

Тадқиқот натижалари асосида таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълимига хос қуйидаги тамойиллар аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бўлажак психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим тамойиллари

1-расмдан кўриниб турибдики, бўлажак психолог кадрлар тайёрлашда қуйидаги дуал таълим тамойилларини ҳисобга олиш лозим:

амалий йўналтирилганлик – бўлажак психологларни касбий фаолиятга тайёрлашда амалиёт билан уйғун технологиялардан фойдаланиш орқали уларнинг амалий тажрибасини ошириш;

мажмуавийлик – яхлит таълимий-амалиёт муҳитини яратиш;

интегративлик – модулли таълим дастурлари асосида мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган фанлараро алоқадорликни ҳосил қилиш;

универсаллик – бўлажак психологларни тайёрлашнинг назарий ва амалий жиҳатларининг бирлиги;

мойиллик ва вариативлик – таълим мазмуни ва технологиясининг мувофиқлиги ҳамда вазиятга кўра ўзгартиришлар киритиш имконияти;

мослашувчанлик – бўлажак психологларнинг вазият билан боғлиқликда шахсий ва касбий ижтимоийлашув қобилиятига эгаллиги;

ижтимоий шериклик – тенг шерикчилик асосида олий таълим ва мактабнинг бўлажак психологларни тайёрлашга доир ҳамкорликдаги фаолияти;

масъулиятлилик – дуал таълим жараёни субъектларининг ўз вазифаларини тўлиқ бажариши;

ахборот алашинувининг очиклиги – очик ахборот муҳитини яратиш.

Таълим тизими учун психолог кадрларни тайёрлашнинг дуал модели – бу олий ҳамда мактабгача ва халқ таълимининг ўзаро биргаликда ҳамкорликдаги фаолияти асосига қурилган инновацион ўқитиш тизими бўлиб, уч методологик асосга таянади: аксиологик (инсонпарвар ва технологик кадрларнинг тенг аҳамиятга эгаллиги); онтологик (компетентли ёндашув); технологик (касбий фаолиятни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш, ижтимоий-касбий муносабатлар).

Тадқиқотда дуал таълимни ташкил этишга доир Европа Иттифоқи давлатлари, шу жумладан, Германия ва Россия Федерацияси тажрибаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Жаҳон тажрибасидан маълумки, дуал таълимга ўтиш катта иқтисодий ўсишга имкон беради. У элик фоиз ўқувчилар дуал таълим тизимида ўқийдиган Европанинг кўплаб давлатларида кенг қўлланилади. Ишчи кучи сифати мониторинги Халқаро институтининг баҳосига кўра, Германия кадрлар тайёрлаш сифати бўйича етакчи ҳисобланади.

Германияда дуал таълимни ташкил этиш мажбуриятларнинг аниқ тақсимланганлиги билан тавсифланади. Дуал таълимда асосий роль корхона ва ташкилотларга юклатилган бўлиб, улар ҳар бир таълим олувчи билан алоҳида шартнома тузади, ташкилот таълим жараёнини таъминлайдиган инструкторлар, устозлар тайёрлаш учун маблағлар ажратади, ташкилотда амалий, таълим муассасасида назарий таълимни кўзда тутадиган ҳар бир ўқувчи учун индивидуал режалар ишлаб чиқилади. Таълим ташкилотлари назарий тайёргарликни амалга оширишга доир кўмакчи функцияни бажаради. Дуал таълим жараёнининг учинчи иштирокчиси – компетенциялар Марказидир. Агар назарий тайёргарлик таълим ташкилотида амалга оширилса, дастлабки касбий кўникмалар – компетенциялар Марказида, амалий таълим эса, корхоналарда ўтказилади. Таълим ташкилотлари фирмалараро (шу жумладан, компетенциялар Марказида ҳам) касбий тайёргарлик дастурларини таклиф этади. Корхона тармоқли ўқитишнинг тўрт моделдан иборат тузилмасини шакллантиради: “Асосийси корхона ва корхона-ҳамкорлик”; “Буюртмага асосланган касбий тайёргарлик”; “Ўқув консорциуми”; “Ўқув ассоциацияси”.

Тадқиқотда дуал таълим шароитида таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашда тизимли-фаолиятга йўналтирилган ёндашувга асосланилди. Талабаларни психологик фаолиятга амалий тайёргарлиги мазмунини ёритиб беришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилди: битирувчи талабанинг касбий ривожини; бўлажак психологнинг ўз касбий фаолиятини ўқувчилар билан ишлаш жараёнида бевосита баҳолаши; ностандарт вазиятларда ижодий қарорлар қабул қилиш ва психологик фаолиятга ижобий муносабат.

Дуал таълим шароитида бўлажак психологларни касбий фаолиятга тайёрлаш тузилмасининг асосий компонентлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди: мотивацион, когнитив-баҳоловчи, ташкилий-шахсий (2-расм). Мотивацион компонент психологик-педагогик фаолиятга иштиёқ; психолог касбини қадрият сифатида қабул қилиш; масъулиятлилиқ ҳисси, болалар, ўқувчилар, ота-оналар, бошқа катта ёшли кишилар билан мулоқотга тайёргарликни ўз ичига қамраб олади. Когнитив-баҳоловчи компонент мактабгача, кичик мактаб ёши ва ўсмир ёшидаги ўқувчилар билан ишлашнинг ўзига хосликларини тушуниш, чуқур ва тўлиқ назарий билимларга асосланиб, психологик фаолиятни ташкил этиш метод ва усулларини ўзлаштириш лаёқатини кўзда тутати. Бўлажак психологнинг амалий фаолиятга тайёргарлигининг ташкилий-шахсий компоненти касбий муҳим хусусиятлар, ўқитиш, тарбиялаш ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг мақсадга йўналтирилган

жараёни натижаси сифатида мазкур сифатларнинг ривожланганлик даражасини ўзида ифода этади.

Бўлажак психологларнинг касбий компетентлигини дуал таълим шароитида ривожлантириш қуйидаги компетенциялар тизимини ўзлаштиришни тақозо этади:


психолог касбининг назарий асосларини тушуниш, назарий билимларни ўзлаштириш даражасини тавсифлайдиган муаммоларни таҳлил этиш, тизимлаштириш ва шакллантириш кўникмасини талаб этадиган концептуал компетенция;

тадқиқ этиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби амалий кўникмаларга эгалик қобилиятини намоён этувчи технологик компетенция;

назария ва амалий алоқадорликни таъминлаш; психологлик фаолиятининг маданий, ижтимоий аҳамиятини англаш қобилияти билан боғлиқ интегратив компетенция;

психологлик касби билан боғлиқликда юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва унга тайёрлик кўникмасини ифода этувчи адаптив компетенция;

касбий мулоқот кўникмасига эгаликни акс эттирувчи шахслараро компетенция.




2-расм. Дуал таълим шароитида бўлажак психологларни касбий фаолиятга тайёрлаш тузилмаси

Педагогика олий таълим муассасаларида психологлар тайёрлашнинг мавжуд ҳолатини таҳлил этиш асосида айти пайтдаги вазият ва таклиф этилаётган амалиёт куйидаги тарзда умумлаштирилди.

1-жадвал

Педагогика олий таълим муассасаларида психологлар тайёрлашнинг мавжуд ҳолати ва таклиф этилаётган илғор тажриба



1-жадвалдан кўриниб турибдики, таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлаш жараёнига дуал таълим тизимини татбиқ этиш лозим. Бунинг учун мазкур жараённи амалга ошириш модели ва технологияларини лойиҳалаш, самарали таъсир кўрсатувчи дидактик шарт-шароитларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологияларини ишлаб чиқишга оид амалий ёндашувлар”** деб номланган иккинчи бобида психолог кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим технологиялари мазмуни, мазкур жараённи самарали амалга ошириш модели ва дидактик шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “хорижий тажрибадан келиб чиқиб, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига

ижтимоий психология, ёшлар психологияси, психологик хизмат фаолиятини бошқариш, оилавий консултация ва коучинг каби бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш; 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида психология таълим йўналишларининг ўқув режаларида малакавий амалиёт давомийлигини 8 ҳафтадан 15 ҳафтага ошириш; психология соҳасида кадрларни тайёрлаш режасини тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш чораларини кўриш”² устувор вазифалар этиб белгиланган.

Таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашда дуал таълим технологияларини амалиётга жорий этиш борасида сўз кетганда, албатта, махсус ўқув-режалар ва фан дастурларни ишлаб чиқиш, машғулотни ташкил этишда онлайн семинар ва вебинарлар улушини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган.

Таълим тизими учун психолог кадрлар тайёрлашда дуал таълим тизимини татбиқ этиш натижасида олий таълимдаги назария ва амалиёт ўртасидаги тафовут муаммоси ҳал этилади. Таълим соҳасида психолог кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мослашувчан ўқув режасини ишлаб унда бир курс учун аудитория улуши 650-700 соатни ташкил қилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот доирасида таклиф қилинаётган шакл “4+2” тартиби” деб номланди. Мазкур тартибга кўра талабалар ўқув йили давомида ҳафтанинг тўрт кунини олий таълим муассасасида ўқув машғулотларига қатнашган ҳолда ўтказди, икки кун таълим ташкилотларида амалиёт ўташди.

Бўлажак психологларнинг назарий ва амалий тайёргарлигини ривожлантириш мақсадида қуйидаги дуал таълим технологиялари таклиф этилди:

1. Модулли ўқитиш технологияси. Модулли таълим технологиясининг концептуал қоидалари сифатида қуйидагилар аниқлаштирилди: ўқув фаолиятини алгоритмлаштириш; модуллилиқ тамойили – таълим мазмунини алоҳида тугалланган қисмларга жойлаштириш; билишнинг барча босқичларини ўзаро уйғунлиги ва тугалланганлиги; назарий материалларни блокларга бирлаштириш; дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш тамойили; фаолиятли ёндашув: фаолиятнинг барча таркибий қисмлари (мақсад қўйиш, режалаштириш, ташкил этиш, ишчи жараён, назорат ва натижаларни баҳолаш)ни амалга ошириш; синергетик ёндашув: талабаларнинг ўз-ўзини ташкиллаш олиши ва ривожлантириши; тизимли ёндашув: дунёни билиш тизимнинг кичик бирликлари сифатида; ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорлиги тамойили; модулда ўқув материални узатишнинг дедуктив мантиғи: бутун умумликдан умумийлик ва алоҳидаликка ўтиш; илгарилаб борувчи назарий материалларни ўрганиш; ўқув ахборотларини жипслаштириш (умумлаштириш, йириклаштириш, тизимлаштириш, умумийлаштириш); мослашувчанлик (динамиклик) – бирданига ўз муносабатини билдириш ва

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги ВМ-772-сон “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 09/19/472/3253-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.08.2021 й., 09/21/511/0793-сон.

ижтимоий-педагогик шарт-шароит (ижтимоий буюртма)нинг ўзгаришларига тезликда мослаша олиш қобилияти; дастур бўйича жадаллашувнинг индивидуал суръатини танлаб олиш ва ўз-ўзини йўналтира олиши; англандан истиқболлар (мотивация) тамойили.

2. Лойиҳа таълим технологияси. “Ўқув лойиҳаси” тушунчаси кенг қамровга эга бўлиб, қуйидаги мазмунга эга: муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули; назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва қуроли; ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита. Шунинг қайд этиб ўтиш лозимки, лойиҳа нафақат бир фан (масалан, адабиёт) доирасида, балки фанлараро (бир қанча фанларнинг мавзулари интеграцияси асосида) шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бизнинг тадқиқот предметимизга тадбиқан лойиҳа таълим технологияси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: тайёрлов (мақсадни аниқлаштириш), манбаларни танлаш, материалларини ўрганиш ва режалаштириш, бажариш, тақдимот ва рефлексия.

3. Вазиятли таълим технологияси. Вазиятли таҳлил (кейс-стади инглизча case – аниқ вазият, study – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган ўқитиш технологияси. Мазкур технология муаммоли таълимдан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Таҳлил этиш категорияси объектни хаёлан бўлақларга бўлиш ёки илмий тадқиқ этиш сифатида тушунилиши мумкин. Анализ(таҳлил)нинг турли таснифлари мавжуд бўлиб оммавий анализ таснифини қуйидагича белгилаш мумкин: тизимли, корреляцион, факторли, статистик ва бошқалар. Анализ(таҳлил)нинг ушбу барча турлари кейс-стади методи доирасида қўлланилиши мумкин бўлиб, мазкур ҳолат методнинг имкониятларини янада кенгайтиради.

4. Витаген таълим технологияси. Академик А.С.Белкин томонидан ХХ асрнинг сўнгги чорагида витаген таълимнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилган. Витаген таълимнинг моҳияти “таълим жараёнида талабаларнинг олган билим ва кўникмалар билан ҳаётий тажрибаларнинг боғлиқлиги” ғоясига ҳисобланган. Яъни, витаген таълим назариясининг таянч тушунчалари сифатида ҳаётий тажриба, ҳаёт тажриба, витаген тажриба талқин этилган. Витаген таълим – дуал ўқитиш жараёни субъектларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш учун энг тўғри йўл бўлиб, унда аудитория ва мустақил таълим қўшилиб кетади. Субъект-объект муносабатларига голографик ёндашув катта ҳажмдаги материалларни ўзлаштириш асосида витаген таълимни амалга оширишдан иборат. Витаген маълумотлар ҳаётий тажрибанинг бир неча босқичларини ўз ичига олади; 1. Маълумотлар фарқланмасдан қабул қилинади. 2. Баҳоловчи – филтровчи шахс. 3. Қатъий

тартибга эгалик – маълумотлар онгли равишда эслаб қолишга қаратилган бўлади.


5. Стратегик таълим технологиялари. Мазкур жараёнда ўқув жараёнининг битта йўналишига қаратилган ва таълим мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган технологиялар кўзда тутилди. Стратегик таълим технологиялари таркибини таҳлил қилиш уларнинг қуйидаги мақсадли йўналишини аниқлаш имконини берди: бўлажак психологнинг шахсий ва касбий қобилиятларини ривожлантириш. Стратегик таълим технологияларининг мақсади улардан талабаларни касбий тайёргарлигининг барча босқичларида фойдаланиш имкониятини белгилаб беради. Уларга қуйидагилар киритилди: ўйин, тадқиқотчилик, тренинг, интерфаол маъруза, ўқув ва малакавий амалиёт, лаборатория иши ва бошқалар.

6. Тактик таълим технологиялари. Илмий адабиётлар таҳлили тактик таълим технологияларини танлаш мезонлари сифатида қуйидагиларни қабул қилиш имконини берди: а) тактик ўқув технологияларининг стратегик мақсадларга мослиги; б) тактик ўқув технологияларининг ўқитувчи томонидан тақдим этилган ўқув материалининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқлиги; в) етакчи алоқа тури; г) тактик таълим технологияларини технологик амалга ошириш имкониятлари; д) тактик таълим технологияларининг узлуксизлиги (мавзули, мантикий, ташкилий).

Дуал таълим шароитида бўлажак психологларни касбий фаолиятга тайёрлаш моделини лойиҳалаштиришда қуйидагилар эътиборга олинди: а) дуал таълимда фаолият юритувчи профессор-ўқитувчи ва устозларнинг касбий компетенцияга эгалиги; б) объектив равишда мавжуд бўлган омиллар: ижтимоий буюртма, педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти; в) яхлит ўқув-тарбия жараёни; г) фанлараро, иштирокчилик ва компетенциявий ёндашувларни интеграциялаш имконияти; д) талабаларнинг касбий компетентлигининг шаклландирилганлиги даражаси.

Бўлажак психологларни касбий фаолиятга тайёрлаш моделини лойиҳалаш қўйидаги мантиққа асосланди: модел чегараларини белгилаш; лойиҳалашнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, уларни лойиҳалаштирилаётган жараён вазифалари билан таққослаш; кўриб чиқиладиган жараён субъектларини аниқлаш; моделни лойиҳалашни амалга ошириш учун зарур тамойилларни танлаш ва асослаш; моделлаштириладиган жараённинг асосий функциялари, мазмуни, метод, шакл ва воситаларини аниқлаш; лойиҳалаштириладиган модел мақсадига эришиш учун зарур бўлган ташкилий-педагогик шарт-шароитларни аниқлаш; ушбу моделни амалга оширишда эришилиши керак бўлган асосий натижаларни аниқлаш, уни таххис этиш технология ва воситаларини асослаш.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган моделнинг (3-расм) ўзига хос хусусияти шундан иборатки, компонентлардан бирида ўзгариш бўлиши муқаррар равишда қолган таркибий қисмлар, якуний натижада бўлажак психологларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг яхлит тизимида ўзгаришларни юзага келтиради.



3-расм. Дуал таълим шароитида бўлажак психологларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг технологик модели

Бўлажак психолог ўзининг таълимий фаолияти натижасига эришиш учун мақсадли, ташкилий-жараёнли, мазмунли, технологик, таҳлилий-натижавий компонентларнинг ёпиқ доираси бўйлаб бир неча марта “ҳаракатланиши” ва якунида мақсадга эришишнинг юқори даражаси таъминланиши мумкин. Қуйида моделнинг компонентлари мазмунига тўхталиб ўтамиз.

Мақсадли компонент. Мақсад тушунчасини турли хил талқин қилиш асосида уни тушуниш белгиланган вақтда эришишни талаб қилинган муддатда мавжуд имкониятлари билан таққослаб кутилган натижа образи сифатида шаклланади. Бу эса, бўлажак психологларни мақсадга эришиш томон ҳаракат қилишга ундайди, яъни шундай белгиланадики, олинган натижани ҳар доим кутилган натижа билан таққослаш имконияти мавжуд бўлади.

Ташкилий-жараёнли компонент қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: ўқув маълумотларини тақдим этиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, ўқув жараёнида тезкор тесқари алоқа ўрнатиш, дуал таълим жараёнининг жорий назорати натижаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқилган моделни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари.

